

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

ХАСАНОВА ХУРШИДА НАИМОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ОРГАНИК КИМЁ
ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН
ФЙДАЛАНИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хасанова Хуршида Наимовна

Умумий ўрта таълим мактабларида органик кимё фанини
ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланиш.....3

Хасанова Хуршида Наимовна

Использование инновационных методов в преподавании
органической химии в общеобразовательных школах..... 21

Khasanova Khurshida Naimovna

Using innovation methods in teaching organic chemistry
in secondary schools..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

ХАСАНОВА ХУРШИДА НАИМОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ОРГАНИК КИМЁ
ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН
ФЙДАЛАНИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1129 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурмонов Сувонкул Эрхонович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Омонов Ҳожиқул Товбоевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Нишонов Миркозим Фозилович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К.02.05 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил “_____” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “_____” _____ даги ____-рақамли реестр баённомаси).

А.М.Насимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.М.Сайитқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш котиби, к.ф.н., доцент

Э.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда узлуксиз таълим яхлит тизим сифатида шаклланиб, унинг ривожланиб бориши учун керакли таълим мухитини яратиш концепцияси долзарб вазифалар қаторидан ўрин олган. Давлатнинг интеллектуал салоҳияти унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг модернизациялашиш даражаси билан белгиланади. Таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологиялар, янгича инновацион методларни қўллаш тизимни ислоҳ қилишнинг муҳим тенденцияларидан саналади. Дунёнинг етакчи илмий марказларининг соҳа мутахассислари томонидан умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг кимё фанидан олинган билимлари ёрдамида ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлишини таъминлашга имкон берадиган инновацион усуллардан фойдаланиб ўқитишнинг индивидуал педагогик тизимини шакллантириш жараёнини такомиллаштиришга оид қатор тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хорижий, жумладан МДХ давлатларида узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитишда замонавий STEAM таълими элементларини қўллаш ва кимё фанини бошқа табиий фанлар билан узвий боғлиқликда ўқитиш орқали такомиллаштириш, ўқувчиларда босқичма-босқич умумий кимёвий тушунчаларни табиатнинг илмий манзарасининг ажралмас қисми ва дунёни илмий билишнинг асоси сифатида шакллантириш, ҳаётий жараёнларни кимёвий қонуниятлар асосида тадқиқ қилиш ва хулоса чиқариш амалиётини ривожлантириш билан боғлиқ барча кўникмаларни эгаллашларини таъминлаш ва бу орқали касбга йўналтириш, билим олишга бўлган қизиқишлари ва ижодий қобилиятларини шакллантириш борасида бир қатор амалий ишлар бажарилган.

Мамлакатимизда илғор хорижий тажрибалар асосида узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, мактабларда дарсларни сифатли тарзда ташкил қилиш орқали таълим тизимини такомиллаштиришга эришиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатдан янгилаш, органик кимёни ўқитишда инновацион технологияларнинг тизимли равишда қўлланилишига эришиш, назарий билимларни амалиёт билан уйғун ҳолда ўзлаштириш, дарс жараёнида ўқувчиларнинг барча қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришга имкон берадиган зарурий шарт-шароитларни яратиш» вазифалари белгиланган. Бу эса кимё фани мисолида ўқитиш методикасининг таълим мазмунини такомиллаштириш заруратини асослайди.

2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947-сон¹

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

фармони, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони, 2017 йил 26 сентябрдаги ПКҚ-3289-сон «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим тизимини ривожлантиришнинг замонавий тамойилларини жорий этиш бўйича белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада педагогик технологиялардан таълим сифатини ошириш жараёнида фойдаланишнинг назарий ва амалий асосларини яратиш, инновацион методлардан фойдаланиш, таълим жараёнида ноанъанавий усуллардан бўлмиш гуруҳли ва индивидуал усулларни қўллашнинг назарий асослари Ҳ.Т.Омонов, Н.Азизхўжаева, З.Мамажонова, М.Г.Воинова, Н.Х.Хўжаев, С.А.Мадяров, Э.У.Эшчанов, Х.М.Ражабов, Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева, М.Б.Хаттабовлар томонидан ўрганилган. Таълим жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши соҳасида О.Хасанбоева, Б.Зиёмуҳаммадовлар томонидан самарали ишлар амалга оширилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида мактабларда органик кимёни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари В.И.Загвязинский, О.С.Габриелян, М.С.Пак, Г.К.Селевко, Е.Е.Минченков, Г.М.Чернобельская, Т.А.Шираева, В.С.Зайцев, О.И.Гулай, В.А.Кузурман, И.В.Задорожнийлар томонидан тадқиқ қилинган.

Хорижий давлатларда инноватор олимлардан E.Rodjers, F.G.Mann, B.Ch.Saundersлар томонидан педагогик таълим жараёнида замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланиш, фанга янгиликлар киритишнинг социал-психологик аспектларини яратиш, P.G.Meyer, D.A.Jacjbson, P.Eggan, D.Kauchak, A.T.Yarachev, M. Sullivan, M.Stajanovskaya, B.Velevska, D.T.Thomas, I. Devetak, S.A. Glazarлар томонидан эса кимё фани ва унинг бўлимларини ўқитишни такомиллаштириш муаммолари ўрганилган.

Ушбу тадқиқот ишларида таълим жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, кимё фанини ўқитишни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари етарлича таҳлил қилинган, лекин умумий ўрта таълим мактабларида органик кимёни ўқитишда инновациялардан фойдаланишнинг мотивацион, психологик асослари, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ХТ-Ф2-025 рақамли «Педагогик кадрларни тайёрлаш бўйича психологик-педагогик диагностика назарияси ва амалиётини такомиллаштириш стратегияси» (2015-2019 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларида органик кимё фанини ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

органик кимёни ўқитишда қўлланилаётган психологик, педагогик ва методик адабиётларни ўрганиш, мавжуд методларни таҳлил қилиш ва такомиллаштиришни илмий-методик жиҳатдан асослаш;

мактабларда органик кимё фанини ўқитишда инновацион усулларни қўллаш;

мактабларда органик кимёни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш учун янгича инновацион усулларни ўзида жамлаган электрон шаклдаги ўқув услубий материални яратиш;

ишлаб чиқилган дидактик материаллар асосида танланган умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синов ишларини ташкил қилиш, асосланган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навоий вилоятининг Кармана тумани, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон тумани ва Бухоро шаҳри мактабларидан жами 658 нафар ўқувчи респондент тарзда жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактабларида органик кимё фанини ўқитиш жараёнини инновацион усуллардан фойдаланиб такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситаларини қўллаш механизмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишларида қўйилган мақсадга эришиш учун мавзуга оид назарий, психологик-педагогик ва методик адабиётларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, мактабда кимё фани ўқув режа ва дастурлари ҳамда дарсликларини танқидий ўрганиш, сўровнома, тест, кузатиш, суҳбат, тажриба-синов, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабларда органик кимё фанини ўқитишда фойдаланиш учун ўқувчилар ёши ва дунёқарашига мослаштирилган, уларда ижодкорлик ва мантиқий тафаккурни ривожлантирадиган фаолият турларини (ўйин, ўқиш, меҳнат, мулоқот) замонавий таълим технологиялари (эвристик, лойиҳалаш индивидуаллаштириб ўқитиш, гуруҳларга бўлиб ўқитиш, ҳамкорликда ўқитиш) билан уйғунлашган ҳолда қўллашнинг илмий асослари келтирилган;

умумий ўрта таълим мактабларида органик кимёни ўқитишда билимларни ўзлаштириш даражасини объектив, субъектив назорат қилиш ва сифатли баҳолашга имкон берадиган инновацион таълимий топшириқлардан

иборат дидактик ўйинларнинг тизимли структураси (ўқувчиларда ҳаётий компетенциялар, ижодий қобилиятларни ривожлантидиган, тафаккур ва фаолиятни уйғунлаштирадиган) яратилган;

ўқувчиларда органик кимё фанига оид «Кимёвий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш», «Амалиётга жорий қилиш» компетенцияларини ривожлантиририш орқали ўқув жараёнини оптимал бошқаришнинг концептуал асосларини такомиллаштирадиган бир қатор янгича инновацион усуллар, жумладан «Интеллект харита», «Квест» ва «Контекст матнли топшириқлар» усуллари, мавзуни бирламчи мустаҳкамлаш босқичида қўлланиладиган «Тезкор савол-жавоб» усулининг бир қанча янгича кўринишлари («Тўрт, тўрт, тўрт», «Рақамлар сўзлаганда», «Проектив топишмоқ» ва бошқалар) тавсия этилган;

органик кимё фанини ахборот муҳотида ўқитишда ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишни оширадиган ва бу орқали уларда муайян малакаларни (интеллектуал, ахборотлар билан ишлаш, ташкилотчилик) ривожлантирадиган, бадиий адабиёт (шеър, топишмоқ, шиорлар) ва санъат (расм, жадвал, чизмалар) билан уйғунликда таълим жараёнини самарали ташкил қилишга имкон берадиган янгича кўринишдаги топшириқлар тайёрланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг органик кимё фанидан билим олиш жараёнини яхшилашга имкон берадиган топшириқлар ишлаб чиқилган («Яширин сўзни топинг», «Тўрт, тўрт, тўрт», «Карра-карра», «Бирдан тўртгача», «Рақамлар сўзлаганда», «Проектив топишмоқ» ва бошқалар);

мактабларда органик кимёни ўқитиш жараёнида инновацион таълимий топшириқлар структурасини амалиётда қўллаш методикасини ўзида жамлаган ўқув қўлланма, услубий қўлланма, методик тавсия, дарс ишланмалари тайёрланган ва амалиётга тадбиқ этилган;

органик кимёни ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган, ўқув дастурига мос равишда мавзулар кесимида ўзида янгича инновацион ўқитиш услублари бўйича тавсияларни ва дидактик топшириқларни жамлаган «Органик кимёни ўқитишда инновациялардан фойдаланиш» номли электрон ахборот-таълим ресурси ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларни республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда муҳокама этилганлиги, ОАК эътироф этган журналлар рўйхатига киритилган илмий журналларда чоп этилганлиги, олинган натижалар тўғрилиги ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асослангани, олинган натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабларда органик кимёни ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланиш натижасида мактаб

ўқувчиларида билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш жараёнининг мазмуни, ўқитиш методлари, воситалари ва шакллари аниқлаш мезонлари шакллантирилганлиги ва бу орқали органик кимё фанини ўқитиш самарадорлиги оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти органик кимёни ўқитишда инновациялардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг билим самарадорлигини ошириш ва уларда билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш, инновацион таълимий муҳитни яратиш тизимини такомиллаштирилганлигидан, электрон-таълим ресурси яратилганлигидан ва чоп қилинган «Органик кимёни ўқитиш» номли ўқув қўлланмасидан мактабларда органик кимёни ўқитишда кўшимча адабиёт сифатида фойдаланилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактабларида органик кимёни ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланишга доир тадқиқот натижалари асосида:

органик бирикмаларнинг ишлатилиш соҳалари, биологик аҳамияти каби жиҳатларини кундалик ҳаётининг мисоллар асосида тушунтириш умумий ўрта таълим мактабларининг «Кимё» фани бўйича Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда ҳамда дарсликлардаги мавзуларни ёритилишида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳузуридаги Республика таълим марказининг 13.01.2020 йилдаги 01/11-01/6-23 сонли маълумотномаси). Натижада Давлат таълим стандарти ва дарсликларнинг сифати ортган;

яратилган электрон таълим ресурси асосида инновациялардан фойдаланишнинг мотивацион, назария ва амалиётни бирлаштиришга имкон берадиган, ҳамда ўқувчилар билимининг назорат қилиш ва баҳолашга хизмат қиладиган воситалар таълим жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳузуридаги Республика таълим марказининг 13.01.2020 йилдаги 01/11-01/6-23 сонли маълумотномаси). Натижада органик кимё фанини ўқитиш тизимини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан 1 та ўқув қўлланма, 1 та электрон дарслик, 5 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та, жумладан республика илмий журналларида 3 та, хорижий журналларда 2 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Органик кимёни ўқитишда инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари»** деб номланган биринчи бобда республикамиз ва хорижда ҳозирги кунгача кимё фани ва унинг бўлимларини ўқитиш соҳасида изланишлар олиб борган олимлар ва уларнинг эришган ютуқлари мазмуни, таълим тизимида инновацион ва ахборот технологияларининг ўрни, органик кимё фанини ўқитишнинг долзарб муаммо ва вазифалари, дунё мамлакатларида фанни ўқитишнинг бугунги ҳолати ҳақида фикр юритилган.

Тараққиётнинг бугунги жадал ривожини таълим сифатини яхшилаш учун янгича ўқитиш усуллари ва янгича ёндашувларни яратишга эҳтиёж пайдо қилмоқда. Бошқа барча фанлар қатори кимё фанини ўқитишни ҳам замон талабига мувофиқ ташкил этиш келажак авлод тарбиясида муҳим қадам бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда таълим тизимининг асосий бўғини бўлган мактабларда кимё фанини ўқитилишини яхшилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини, мантиқий фикрлай олиш қобилиятини, ақлий ривожланишини, ўз-ўзини англаш салоҳиятини ривожлантириш, уларда миллий ва умуминсоний кадриятларни таркиб топтириш ҳамда ижтимоий ҳаётлари ва таълим олишни давом эттиришлари учун зарур бўлган билимлар берилади. Таълим тизимидаги бугунги ижтимоий талаблар ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Олиб борилган изланишлар натижасида бугунги кунда бироз мураккаб, ҳаётий жараёнларнинг илмий асосини изоҳлайдиган фан саналган кимё фанини ўқитишда баъзи бир муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди. Катта ҳажмдаги маълумотлар, математик ҳисоб-китоб амалларининг кўплиги, тажрибалар бажаришда реактивларнинг етарли эмаслиги, ўқувчилар диққатини тортишда ва уларни дарсга қизиқтиришда замонавий таълим методларини ўзида жамлаган электрон ўқув ресурсларининг етарли эмаслиги ушбу муаммолардан энг асосийларидир. Тизимда ислохотларни амалга ошириш учун халқаро PISA тадқиқотларида табиий фанлар йўналишида юқори натижаларга эришган ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, чет эл кимё дарсликлари, ўқув дастурлари, назорат усуллари таҳлил қилиниб, илмий жиҳатдан энг илғор тажрибаларни бизнинг мактабларда амалиётга жорий қилиб борилиши кўзланган мақсадга

эришишга кўмак беради. Таҳлиллар натижаларида аксарият давлатларда умумий жиҳат сифатида органик кимёнинг фундаментал асослари ўқитилишини, асосан кимё фанини бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ўқитилиши, назарий билимларнинг амалиёт билан тўла уйғун эканлигини кузатиш мумкин. Фарқли жиҳат сифатида баъзи давлатларда дастлабки кимёвий билимлар ўқувчиларга бошланғич синфлардаёқ «Табиатшунослик» фанлари негизида бериб борилишини ва фаннинг ўқувчига қай даражада мураккабликда берилиши, унинг келажакда эгаллайдиган касбига ва фанга бўлган қизиқишига қараб белгиланишини, ўқувчиларнинг билим даражасини текшириш ва назорат қилишда кўпроқ уларнинг фикрлаш қобилиятини оширадиган, мантиқий ижодкорона янгича креатив мазмундаги топшириқларнинг берилишини, ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни ўз вақтида ва тезлик билан аниқлаб бартараф этиб боришларини келтира оламиз.

Органик кимёнинг мактаб дастурида ўқитиладиган мавзулари кўп, катта ҳажмдаги маълумотлар мажмуини ўз ичига олади. Ҳар бир мавзуда моддаларнинг бирор синфи вакиллари ҳақида маълумотлар 1-расмдаги кетма-кетликда тўлиқ ўрганилиб чиқилади.



1-расм. Ҳар бир мавзуда моддалар ҳақида маълумотларни ўрганиш кетма –кетлиги

Деярли ҳар бир мавзуда жуда кўплаб янгича формулалар, мураккаб органик синтез механизмларини асословчи ёдда сақлаш қийин бўлган реакциялар келтирилади. Демак, органик кимёни ўқитишда юзага келадиган муаммолардан асосийси сифатида мактаб ўқув дастурида ўқувчиларга бериладиган маълумотлар ҳажмининг ниҳоятда катта эканлигини, зарурий янгича ва қизиқарли методлардан ўз ўрнида фойдаланмаслик эса ана шу билимларни етарли даражада ўзлаштирилмаслигига олиб келишини эътироф этишимиз мумкин.

Бугунги кунда бизнинг асосий мақсадимиз дунё мамлакатлари таълим жараёнида энг самарали саналган, болада қизиқиш ва кашфиётчиликни ривожлантириб, креатив фикрлашга ундайдиган замонавий STEAM ёндашуви ва SMART таълими элементларини тадқиқ қилиш, фанни ўқитиш даражасига ижобий таъсирини баҳолаш ҳамда миллий менталитетимиз, ишлаб чиқариш, ўқувчиларимизнинг ахлоқий ва умуминсоний

принципларига мослаштирган ҳолда такомиллаштириш ҳамда ўқув дастурларимиз, дарсликларимиз ва дарс жараёнига сингдириш ва бунинг натижаси ўлароқ чет эл ёшлари билан баслаша оладиган авлодни тарбиялашдир.

Диссертациянинг «Умумий ўрта таълим мактабларида органик кимёни инновациялардан фойдаланиб ўқитишнинг илмий методик асослари» деб номланган иккинчи бобида таълим жараёнини такомиллаштиришда интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда инновацион ёндашувларни ишлаб чиқишнинг педагогик - психологик асослари, ахборот ресурсларини яратиш талаблари ва таркибий структураси, органик кимёни ўқитишда умумийлаштириш, хулосалаш ва гуруҳлаш методларини қўллаш ва бунинг ўқитиш даражасига таъсири ва аҳамиятига тўхталиб ўтилган. Таълимда индивидуал ўқув материални тушунтириш изчиллиги ҳар бир ўқувчининг шахсий қобилият ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда танланади. Индивидуал ўқитиш усулини дастурли ўқитиш, мустақил ўқитиш, компьютерлаштирилган таълим кўринишида амалда қўллаш мақсадга тезроқ эришишни осонлаштиришга имкон беради. Индивидуал ўқитиш усули ўқувчининг таълим жараёнида ҳам, амалиётда ҳам фаол иштирокини таъминлайди ва таълимнинг турли кўриниш ва кўрсаткичларида мавжуд муаммоларни енгиб ўтишга ёрдам беради. Индивидуал кўрсатмалар ўқувчида анъанавий таълимда эришиб бўлмайдиган ўз-ўзини назорат қилиш хусусиятини ривожлантиради, мотивацияни шакллантиради, ўқитувчи ва ўқувчи орасида ўзаро ижобий муносабатни шакллантиради.

Ўқитувчининг дарсни бошлаган вақтидаги энг биринчи ва муҳим вазифаларидан бири синфда қулай психологик (2-расм) муҳитни ярата олишидир. Дарс босқичлари асносида синфда ўқитувчи ва ўқувчилар орасида бир-бирига нисбатан турлича муносабат бўлишини кўришимиз мумкин бўлади.



2-расм. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатлар

Ўқитувчининг дарс якунида айнан ўзи кутган натижага эриша олишида бутун дарс мобайнида дарс жараёнини қизиқарли тарзда ташкил қилиш

орқали синфда ўзига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириши муҳимдир. Ўқитувчининг дарс якунида айнан ўзи кутган натижага эриша олишида бутун дарс мобайнида синфда ўзига нисбатан ижобий муносабатни сақлаб қола олишидадир. Бу борада машҳур психолог Жан Пиаженинг изланишлари айнан ўқувчиларда билимларнинг шаклланишида уларнинг фикрлаш жараёнининг қандай эканлигини инобатга олишга асосланган. Турли фанлар соҳасидаги билим даражаларини аниқлаб берадиган фаолиятга универсал ўқув фаолияти дейилади. Аниқ бир фан соҳасида ёки бир неча фанларда мажмуавий тарзда шаклланадиган янги ижтимоий тажриба орқали ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини мукаммаллаштириш қобилиятидир. Когнитив универсал фаолият ўз ичига қидирув, танлов, тадқиқот, керакли маълумотларни текшириш ва таҳрир қилиш, ўрганилаётган маълумотларни моделлаштириш каби функцияларни олади. Универсал ўқув фаолияти яхши шаклланган ўқувчилар янги билимларни мустақил ўргана оладилар, уларда кўникма ва малакалар бошқаларга нисбатан тезроқ шаклланишини кузатиш мумкин. Универсал когнитив ўқув фаолияти ўз ичига қуйидаги таркибий қисмларни олади:

1. Универсал умумий ўқув фаолиятлар;
2. Мантиқий универсал фаолиятлар;
3. Муаммонинг қўйилиши ва ечилиши.

Умумий ўрта таълим мактабларида органик кимё фанини ўқитишда тайёргарликнинг иккита аспекти аниқланди:

1. Фундаментал тайёргарлик (фан юзасидан умумий ҳолда)
2. Махсус тайёргарлик (мавзулар юзасидан хусусий ҳолда)

Ўқувчиларни замонавий STEAM таълими усулларидадан фойдаланган ҳолда ўқитиш орқали уларга қуйидагиларни сингдира бориш жуда муҳим эканлиги аниқланди:

1. Шахсни шакллантиришда асосий омил сифатида фанни эмас, балки ўқитувчининг биринчи даражали эканлигини тушуниш ва ўқувчиларга бирор соҳадаги билимларни эгаллашларида энг қулай усуллардан фойдаланишни ўргатиш.

2. Ўқувчиларга кўпроқ “Нимага?” деган саволни беришни ўргатиш. Бунда улар ҳар бир фикр ва хулосалардан сўнг уларнинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Бу уларда мантиқий фикрни ва мушоҳадани ривожлантиради.

3. Ўқувчиларга бирор маълумотни ёдлаб олиб, қайтиб айтиб беришни эмас, уни амалиётда қўллаш усулларини ва мустақил бўлишни ўргатиш.

4. Ижодий фикрлашни ривожлантириш учун кўпроқ компетентликка асосланган топшириқларни бериш ва фанни ўрганишдан мақсад нима эканлигини тез-тез такрорлаб туриш.

5. Ўқувчиларни билим даражасига қараб гуруҳларга бўлиш, бунда уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб топшириқлар бериш ва фаннинг энг сўнгги ютуқларини билиб бориш, замонавий манбалардан айнан фанга оид қизиқарли ахборотларни топиш ва қўллашни ўргатиш.

Баъзида мактаб ўқувчилари бирор назарий мавзуни шунчаки ёдлаб олиб, аслида унинг моҳиятини тўла тўқис англамаганликларини, орадан бироз вақт ўтиб эса ана шу назарий билимни эсдан чиқариб юбориш ҳолати кузатилишини кўришимиз мумкин. Ўқувчиларга билим берар эканмиз, уларнинг келажак ҳаётда ана шу билимларни етарли даражада тушуниб, амалиётда қўллай олишларини ҳам инобатга олишимиз керак бўлади. Органик кимё фанини ўқитишда асосан кўрғазма-намойишли, иллюстратив методларни қўллаб бориш ўқувчиларда билим ва компетенцияларни шакллантириш билан бир қаторда турли муаммоларга ечим топа олиш кўникмасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг дарсларда фаол иштироки уларда оламни идрок этиш учун билим, тушунча ва ғоялар ривожланишига ёрдам беради. Айнан шу босқичда келажакда қўлланиладиган ғоя ва кашфиётлар билимдони бўлган ўқувчилар шаклланади.

Замонавий компютер технологиялари таълим берувчи, ўқитувчи, тил ўргатувчи, таълим жараёнини ташкил этишга кўмаклашувчи, бирор бир муаммо ёки масаланинг ечилишига ёрдам берувчи дастурлар яратишга имкон бермоқда.

Органик кимёни ўқитиш жараёнини такомиллаштиришда (3-расм) замонавий инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарали жиҳатларига эътибор қаратамиз. Компьютерлардан таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишда, ўқувчиларнинг билим салоҳиятини назорат қилиш жараёнида, мавзуни тушунтиргандан сўнг мустаҳкамлаш учун турли хил тест топшириқларини онлайн тарзда ечтиришга имкон беради. Ўқувчилар учун онлайн тестларни қўллаш ўз билимларини синаб кўриш, натижани қисқа вақт ичида билиб олиш имконини беради. Қолаверса кундан-кунга кенг қамров доирасига эга бўлаётган ва ҳар куни янгидан-янги маълумотлар жойлаштириладиган интернет тармоғи фанлар юзасидан қизиқарли, аҳамиятли, керакли маълумотлар олишга ёрдам беради. Уларни кундалик кузатиб бориш, фан соҳасида янгиликлардан хабардор бўлишга имконият яратади.



3-расм. Органик кимёни ўқитишни такомиллаштириш воситалари

Органик кимёни ўқитишда қўлланиладиган методлар мақсадига кўра қуйидаги турларга ажратилди:

1. Билим олишга иштиёқни оширадиган методлар - буларга тест методини мисол қилиб келтириш мумкин. Тест натижаси асосида ўқувчи ўз билимларининг етарли эмаслигини ва янада кўпроқ билим олиши кераклигини тушунади.

2. Фанга бўлган қизиқишни оширадиган методлар. Буларга кўрғазмали методлар ва ўйинли методлар мисол бўла олади.

3. Олинган билимларни нотўғри талқин қилинишининг олдини оладиган методлар. Буларга асосан жараёنли топшириқлар кўринишидаги методлар киради.

4. Олинган билимларни мустаҳкамлайдиган методлар. Буларга аниқ жараёнларни таҳлил қиладиган ва мисоллар ечиш кўринишидаги методлар киради.

5. Олинган билимларни амалда қўллашга имкон берадиган методлар. Буларга ишбоп ўйинли методлар киради.

Ушбу юқорида келтирилган методларнинг ҳар бирига мос кўринишда ўқувчиларда органик кимё фанига оид «Кимёвий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш», «Амалиётга жорий қилиш» компетенцияларини ривожлантиририш орқали ўқув жараёнини оптимал бошқаришнинг концептуал асосларини такомиллаштирадиган бир қатор янгича инновацион усуллар, жумладан «Интеллект харита», «Квест» ва «Контекст матнли топшириқлар» усуллари такомиллаштирилди, мавзуни бирламчи мустаҳкамлаш босқичида рефлексияни яхшилашда қўлланиладиган «Тезкор савол-жавоб» усулининг бир қанча янгича кўринишлари («Тўрт, тўрт, тўрт», «Рақамлар сўзлаганда», «Проектив топишмоқ» ва бошқалар) ишлаб чиқилди.


Органик кимё фанини ахборот муҳитида ўқитиш жараёнида ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишни оширадиган ва бу орқали уларда муайян интеллектуал, ахборотлар билан ишлаш, ташкилотчилик малакаларини ривожлантирадиган, бадий адабиёт элементларидан саналган шеър, топишмоқ, шиорларни расм, жадвал ва чизмалар кўринишидаги ўқув методлари, дидактик ўйинлар ва ўқувчилар билимини баҳолаш имконини берадиган, таълим жараёнини самарали ташкил қилишга кўмаклашувчи янгича кўринишдаги топшириқлар тайёрланди. Бунда топшириқларнинг қизиқарлилик даражасини ошириш учун уларни аксарияти дидактик ўйинлар кўринишида тайёрланди.

Дидактик ўйин – бу жамоа тажрибасини ўзлаштиришга ва яратувчанликка йўналтирадиган хатти-ҳаракатларни мустақил бошқаришни такомиллашувига имконият берадиган фаолият тури. Органик кимёни ўқитишда дидактик ўйинлардан (4-расм) фойдаланишни асосан такрорлаш, мустаҳкамлаш ва умумлаштириш дарсларида қўллаш мумкин.

Дидактик жараёнда ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишини ва дарсда фаолигини ошириш принципи ниҳоятда муҳим омил ҳисобланади. Ўқувчиларнинг дарс жараёнига катта қизиқиш билан фаол ҳолда ёндашиши камдан-кам ҳолда намоён бўлиб, бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга мақсадга йўналтирилган бошқарувли педагогик таъсир кўрсатиши ва

педагогик технологияларни қўллаш орқали қулай психологик ва педагогик муҳитни юзага келтириши керак бўлади. Ўқувчилар фақат уларда эмоционал қониқиш бўлгандагина ўқийди ва дарсга қизиқади. Органик кимё фанидан дарсларда қўлланиладиган дидактик ўйинларнинг иштирокчиларини қамраб олиниш даражасига қараб яқка, жуфтликда, гуруҳли, жамоавий ва оммавий кўринишларда амалга ошириш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи бобида органик кимёни ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган элликка яқин инновацион усуллар ва дидактик ўйинлардан намуналар келтирилган.



4-расм. Дидактик ўйинларнинг тизимли структураси

Диссертациянинг «Илмий - педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг самарадорлиги» деб аталган учинчи бобида органик кимёни ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда дарслар самарадорлигини ошириш доирасида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг якуний босқичида мавзу бўйича яратилган методик қўлланмалар, ишлаб чиқилган тавсиялар мазмуни билан таништирилди. Ўтказилган тажриба-синов ишларининг ижобий ташкил этилганлиги ва ишлаб чиқилган дастурга мос равишда сифат даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилиши олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили билан таъминланди.

Биринчи навбатда олиб борилаётган тажриба-синов ишининг мақсадини белгилаб олишда тадқиқот муаммосининг якун топишига ижобий таъсири инобатга олинди. Мавжуд интерактив методлар, дидактик ўйинларни такомиллаштириш асосида органик кимёни ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий фаолиятнинг мазмуни ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқич: таъкидловчи (2017-2018), шакллантирувчи (2018-2019), якунловчи (2019-2020) жараёнларидан иборат бўлиб, тажриба-синов ишлари Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари халқ таълими бошқармаларига қарашли умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилди. Олиб борилган тажриба-синов ишларида Навоий вилоятидан 375 нафар, Бухоро вилоятидан 128 нафар, Самарқанд вилоятидан 155 нафар, жами 658 нафар ўқувчилар иштирок этдилар.

Илмий-педагогик тадқиқот давомида тажриба ва назорат гуруҳларида ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлиги, ҳамда, ўқувчиларнинг кимё фанидан компетенциялари шаклланганлик даражаси аниқланди. Тажриба гуруҳларида машғулотлар тадқиқот ишида таклиф этилган методика ва илмий тавсиялар асосида ташкил этилди. Назорат гуруҳларида эса машғулотлар анъанавий усулда олиб борилди. Педагогик тажриба-синов ишлари Навоий вилояти умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларидан З.Ғаффорова, М.Бобоқулова, Бухоро вилояти умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларидан Д.Ҳафизова ва Самарқанд вилояти умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларидан С.Бозорова билан ҳамкорликда олиб борилди.

Бу жараёнда органик кимёни ўқитишда инновациялардан фойдаланиш бўйича методикани синовдан ўтказиш ишлари амалга оширилди. 10-синф органик кимёни ўқитиш бўйича электрон дарслик, «Органик кимёни ўқитиш» номли ўқув қўлланма ҳамда намунавий дидактик ишланмалар асосида ўқитиш бўйича натижалар умумлаштирилди.

Тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили умумий ўрта таълим муассасалари тажриба-синов майдонларида ўтказилган педагогик тажриба натижалари асосида олиб борилди ва уларнинг ишончлилиги ҳамда самарадорлиги математик-статистика усуллари ёрдамида аниқланди.

Тажриба-синов жараёнида ҳар бир дарс натижаси тўлиқ таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлилнинг баҳолар бўйича умумий натижаси 1-жадвалда, ўқитиш тажрибаси натижаларининг баҳолар бўйича статистик таҳлили эса 2-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Тажриба-синов жараёнида олинган назорат ишларининг натижаси

Синфлар	ўқувчи сони	Ўзлаштириш даражаси		
		“5”	“4”	“3”
ТС	333	128/144	141/149	64/40
НС	325	102/105	135/145	88/75

Тажриба-синов натижалари асосида қўлланилган инновациялар самарадорлигини текширишни қуйидаги Пирсон ва Стъудент критериясига асосланган χ^2 (Хи квадрат) статистикаси ёрдамида амалга оширамиз:

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^n X_i^2$$

Бу ерда χ^2 (Хи квадрат) мезоннинг жадвали $k=n-1$ озодлик даражаси билан тақсимланади.

χ^2 (Хи квадрат) мезоннинг жадвалидан $k=3-1=2$ озодлик даражасига ҳамда 1% лик қийматдорлик меъёрига мос келган критик нуқта $\chi_{кр}^2 = 9,21$ га тенг бўлиб, 2-жадвалда $\chi^2 = 30,92$ га тенг эканлигидан $\chi^2 > \chi_{кр}^2$ келиб чиқади. Демак, самарадорлик юқори даражадаги ($p=0,01$) қийматдорлик меъёрида 99% ишонч билан тўғри деб топилди.

2-жадвал


Ўқитиш тажрибаси натижаларининг баҳолар бўйича статистик таҳлили

Ўзлаштириш даражаси	ТС ўқувчилари n_i	НС ўқувчилари n'_i	$(n_i - n'_i)^2$	$(n_i - n'_i)^2 / n'_i$
5	144	105	1521	14,48
4	149	145	16	0,11
3	40	75	1225	16,33
χ^2				30,92

Илмий-педагогик тадқиқот давомида тажриба ва назорат синфларида ўтказилган педагогик тажрибадан олинган натижаларнинг баҳолар бўйича умумий таҳлилининг диаграммаси 5–расмда тасвирланган.

Бундан маълум бўлдики, тажриба гуруҳи ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаси назорат синфи ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасидан юқори эканлигидан, тажриба синфларидаги ўқувчиларнинг кимё фанидан компетентлигини шакллантиришда методик тизимдан фойдаланиш яхши

натижа бериши тажриба-синов ишлари натижалари орқали ўз исботини топди.



5-Расм. Педагогик тажрибанинг баҳолар бўйича умумий таҳлили диаграммаси

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий – педагогик тадқиқот натижаларининг таҳлили ва яқунларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мавзуга оид назарий, психологик-педагогик ва методик адабиётларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш асосида дунёнинг ривожланган давлатлари мактабларида кимё фанининг ўқитилиш ҳолати таҳлил қилинди ва илмий-методик ёндошувлар асосида мамлакатимиз илм-фанидаги инновацион жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ўрта таълим мактабларида таълим ва тарбия жараёнида самарали қўлланилиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланди.

2. Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг турли шакллари ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда органик кимёни ўқитиш жараёнида интерактив ўқув топшириқларидан фойдаланишнинг услубий модели ишлаб чиқилди ва унинг ўқувчилар билимлари сифатини оширишда ижобий самара бериши статистик маълумотлар асосида тасдиқланди.

3. Инновацион таълим шароитида ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига қаратилган яхлит методик тизим ва унга мос ўқув жараёнининг тегишли дидактик ва услубий таъминоти яратилди. Ишлаб чиқилган методиканинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди, уни мактаб амалиётида органик кимё таълимига жорий этиш шарт-шароитлари кўрсатилди.

4. Органик кимёни ўқитиш жараёнида инновацион таълим технологиялари ва электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг таълим жараёнида фаол бўлишлари, муаммоли

топшириқларни бажаришида креатив ёндашувнинг шакллантирилиши, мантиқий фикрлашнинг ривожланиши, ҳамкорликда ўқитиш ва гуруҳларга ажратилган ҳолда дарсни ташкил этиш натижасида уларда фанга бўлган қизиқишни ривожлантириш билан бир қаторда, ўзаро дўстлик ва инсонпарварлик ғояларининг янада ривожланишига эришиш мумкинлиги таъкидланди.

5. Ўрта таълим мактабларида органик кимёни ўқитишда илғор педагогик технологиялар ва инновацион таълим усулларида фойдаланиш ҳолати тизимли таҳлил қилинди. Органик кимёни ўқитишни такомиллаштиришда инновацион усуллардан фойдаланишга йўналтирилган электрон таълим материаллари тайёрланди ва таълим жараёнида қўлланилиши натижасида дарс самарадорлиги ошганлиги кўрсатилди.

6. Ўқувчиларнинг компетентлигини ривожлантиришда мотивацияни уйғотиш ва ривожлантиришга қаратилган дастур яратиш, инновацион усуллардан фойдаланиш, таълим жараёнида педагогик-психологик шароитларни яхшилайдиган методикани ўз ичига олган «Органик кимёни ўқитиш» номли ўқув қўлланмаси тайёрланди ва бунда ўқувчиларнинг компетентлигини ривожлантиришнинг методик асоси келтирилди.

7. Умумий ўрта таълим мактабларида органик кимёни ўқитишни такомиллаштиришда мавжуд ахборот дастурлари ва ресурсларини ривожлантириш, узлуксиз равишда қўллаб бориш ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширишга, уларда ижобий мотивациянинг шаклланишига ёрдам бериши кўрсатилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
PhD.03/30.12.2019.K.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ЦЕНТР ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКИ КАДРОВ НАРОДНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ**

ХАСАНОВА ХУРШИДА НАИМОВНА

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ В
ПРЕПОДАВАНИИ ОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ В
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ**

13.00.02 - Теория и методика обучения и воспитания (химия)

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Самарқанд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2019.3.PhD/Ped1129.

Диссертация выполнена в Областном центре переподготовки и повышения квалификации кадров народного образования Навоийской области.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.samdu.uz) и на информационном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: **Нурманов Суванкул Эрханович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Омонов Хожикул Товбоевич**
доктор педагогических наук, профессор

Нишонов Миркозим Фозилови
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области

Защита диссертации состоится «___» _____ года в ___ часов на заседании разового научного совета при научном совете PhD.03/30.12.2019.K.02.05 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15, физико-химический корпус, 3 этаж, 305 аудитория). тел.: (99866)239-11-40; факс: (99866)239-11-40; e-mail: devonxona@samdu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под номером № ___). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15, ИРЦ. Тел.: (99866)239-11-51. E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2020 года)

А.М.Насимов
Председатель разового научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Ш.М.Сайиткулов
Учёный секретарь разового научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.х.н., доцент

Э.Абдурахмонов
Председатель Научного семинара по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Концепция формирования непрерывного образования в мире как целостной системы и создания необходимой образовательной среды для его развития является одной из актуальных задач. Интеллектуальный потенциал государства определяется степенью модернизации системы образования, которая является ее неотъемлемой частью. Применение новых инновационных методик и информационно-коммуникационных технологий в образовательном процессе являются как одно из важных направлений реформирования системы. Специалистами ведущих научных центров мира разработан ряд рекомендаций по совершенствованию процесса формирования индивидуальной педагогической системы обучения с использованием инновационных методов, которые помогают развивать способность умения решать жизненные задачи учащимися средних общеобразовательных школ с помощью знаний, полученных в процессе обучения предмета химии.

Применение современных элементов парного образования в преподавании химии в общеобразовательных школах, которые считаются основным звеном системы непрерывного образования в зарубежных, в том числе и странах СНГ позволило усовершенствовать преподавание химии в связке с другими естественно-научными дисциплинами путем использования элементов STEAM обучения, поэтапное формирование у учащихся общехимических понятий как составной части общей химии, направленных на то, чтобы они приобрели все навыки, связанные с освоением методов исследования и вывода жизненных процессов на основе химических законов, через которые они направляются в профессию, и у них формируется интерес к знаниям и творческие способности.

Реформирование системы непрерывного образования на основе передового зарубежного опыта в нашей стране, достижение совершенствования системы образования за счет качественной организации уроков в школах возросло до уровня государственной политики. В концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан на период до 2030 года поставлены задачи «Качественного обновления содержания системы непрерывного образования, достижения системного применения инновационных технологий в преподавании органической химии, овладения теоретическими знаниями в гармонии с практикой, создания необходимых условий для реализации учениками всех своих способностей и потенциала». В основе этого лежит необходимость совершенствования учебного содержания методик преподавания на примере предмета химии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению установленных приоритетов для реализации ПФ-4947

Указ Президента Республики Узбекистан² «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан на период до 2030 года», 5 сентября 2018 году УП 5538 вступил в силу указ Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию системы народного образования» о повышении качества образования в высших учебных заведениях и их реализации в стране, в определенной степени будут способствовать улучшению качества образования за счет внедрения современных принципов развития системы образования, определенных в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным на развитие науки и техники республики Узбекистан - I. «Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

